

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АХМЕДОВ ИКРОМ АКРАМОВИЧ**

**КОРХОНАЛАР ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИДА ХАЛҚАРО**  
**МАРКЕТИНГНИ ФАОЛЛАШТИРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК**  
**АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.11 – Маркетинг**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc) по  
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Sciences (DSc) on  
Economics Sciences**

**Ахмедов Икром Акрамович**

Корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятида халқаро маркетингни  
фаоллаштиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш..... 3

**Ахмедов Икром Акрамович**

Совершенствование методологических основ активизации международного  
маркетинга во внешнеэкономической деятельности предприятий..... 35

**Akhmedov Ikrom Akramovich**

Improving the methodological aspects of activating international marketing in the  
foreign economic activity of enterprises..... 67

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 72

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АХМЕДОВ ИКРОМ АКРАМОВИЧ**

**КОРХОНАЛАР ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИДА ХАЛҚАРО**  
**МАРКЕТИНГНИ ФАОЛЛАШТИРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК**  
**АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.11 – Маркетинг**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.DSc/Iqt65 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdiu.uz](http://www.tdiu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Жумаев Нодир Хосиятович</b> иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Эргашходжаева Шахноза Джасуровна</b> иқтисодиёт фанлари доктори, профессор <b>Ҳамидов Обиджон Ҳафизович</b> иқтисодиёт фанлари доктори, профессор <b>Эштаев Алишер Абдуазимович</b> иқтисодиёт фанлари доктори, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Фарғона давлат университети</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03.30.12.2020.I.16.02 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ кuni соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz))

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ кuni тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.П. Эшов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., доцент

**Д.М. Мавлянова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, PhD

**Ш.Дж. Эргашходжаева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида барқарор ва юқори даражали иқтисодий ўсишни таъминлашда дунё бозорининг ўзгарувчанлиги ҳамда миллий корхоналарга ташқи ва ички муҳитнинг мураккаблиги ва барқарор эмаслиги ишлаб чиқариш компанияларини маҳсулотларнинг янги истиқболли йўналишларини ривожлантириш, ички бозорни кенгайтириш ва ташқи бозорга чиқишга ундайди. Ҳозирги бозор шароитида рақобатбардош маҳсулот мавжудлиги доимо етарли эмас, ташқи бозорни тўлиқ эгаллаш учун халқаро маркетинг воситаларининг назарий ва амалий жиҳатларини ҳаётга татбиқ этиш лозим. Ижтимоий тармоқларнинг жадал равишда кенгайиб бориши даврида маркетинг дунёси муттасил равишда ўзгариб бориб, брендлар мазкур жараёнлардан доимо хабардор бўлиши керак. «BMW бренди дунё бўйича фақат 2017 йилнинг ўзида 2,46 миллион автомобиль сотди, аммо 2,46 миллион миқдор билан муносабатларни бошлади. Бренд нафақат истеъмолчиларни машина билан таъминлайди, балки миқдорнинг эҳтиёжларини ҳам тушунишга ҳаракат қилади»<sup>1</sup>. Бундан кўринадики, миллий корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятида халқаро маркетингни фаоллаштириш иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда иқтисодий муносабатларнинг глобаллашуви шароитида миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлашда халқаро маркетинг восита ва дастакларидан самарали фойдаланиш борасида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолияти самарадорлигини ошириш, трансмиллий корпорацияларнинг молиявий-хўжалик натижаларига аҳамиятли таъсир кўрсатувчи инновацион бошқарув усулларини жорий этиш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ташкил этишда халқаро маркетингнинг махсус усулларини қўллаш, уларни фаоллаштиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш тизими ва механизмларини ишлаб чиқиш илмий тадқиқотнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятида халқаро маркетинг принципларидан фойдаланиш ҳамда такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистоннинг Ҳаракатлар стратегиясида “халқаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, шу жумладан етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш йўли билан, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом этиш, жалб қилинган хорижий инвестициялар ва кредитлардан самарали фойдаланиш»<sup>2</sup> вазифалари белгилаб берилган. Корхоналарнинг ташқи бозордаги фаолиятини истеъмолчилар эҳтиёжини қондириш борасида

<sup>1</sup>Effective solutions [https://abreview.ru/marketing/articles/servisnyy\\_marketing\\_kak\\_osnova\\_otnosheniy\\_s\\_klientami](https://abreview.ru/marketing/articles/servisnyy_marketing_kak_osnova_otnosheniy_s_klientami).

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони.

рақобатбардошликнинг устуворлик салоҳиятини тадқиқ қилиш халқаро маркетингнинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Миллий корхоналар ташқи бозорда маркетинг комплексидан, тизимдан кенг фойдаланиш ва халқаро бозорда маркетинг фаолиятини ташкил қилиш ҳамда малакали ходимларни жалб этишида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2019 йил 23 апрелдаги ПҚ-4297-сон “Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда маъмурий тартиб-таомилларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 21 июндаги ПҚ-3077-сон “Маҳаллий экспорт қилувчи ташкилотларни янада қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 декабрдаги 800-сон “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташқи савдо юklarини божхона назорати остида ташишни соддалаштириш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 29 октябрдаги 665-сон “Коронавирус пандемияси даврида ташқи иқтисодий фаолият, туризм ва қурилиш соҳаларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2017 йил 30 декабрдаги 1042-сон “Ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишларига мавофик бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.** Корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятида халқаро маркетингни фаоллаштиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш бўйича

---

<sup>3</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи куйидаги манбалар асосида тайёрланди: Gerald Albaum, David K. Tse, George C. Hozier Jr. & Kenneth G. Baker (2003) Extending Marketing Activities and Strategies from Domestic to Foreign Markets, *Journal of Global Marketing*, 16:3, 105-129, doi: 10.1300/J042v16n03\_06; Pervez Ghauri, Philip Cateora *International Marketing*. // Copyright, Designs and Patents Act 1988. p.54; Neelemegham, R. and P.Chintagunta (1999) “A Bayesian Model to Forecast New Product Performance in Domestic and International Markets,” *Marketing Science*, 18, 115-136.; Tülin Erdem and Michael P. Keane *Decision-Making under Uncertainty: Capturing Dynamic Brand Choice Processes in Turbulent Consumer Goods Markets*.// *Marketing Science*, Vol. 15, No. 1 (1996), pp. 1-20.; Wagner A. Kamakura and Gary J. Russell A Probabilistic Choice Model for Market Segmentation and Elasticity Structure. // *Journal of Marketing Research*, Vol. 26, No. 4 (Nov., 1989), pp. 379-390 doi: 10.2307/3172759.; Лясников Н.В., Лясникова Ю.В. Международная маркетинговая деятельность многонациональных компаний в условиях нестабильности. // *МИР (Модернизация. Инновации. Развитие)*. 2016. Т. 7. №4. С. 161–166. doi: 10.18184/2079-4665. 2016.7.4.161.166.

илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Marketing Research Association (MRA-АҚШ) ва Market Research Society (MRS-Лондон), Center for Marketing Research and Spatial Economics (Канада), European Society of Opinion and Marketing Research (ESOMAR-Грузия), Japan Market Resource Network (JMRN-Tokyo, Japan), Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент молия институти (Ўзбекистон) томонидан амалга оширилмоқда.

Дунёда амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижасида корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятида халқаро маркетингни фаоллаштириш бўйича қуйидаги илмий натижалар олинган, жумладан: ноаниқлик шароитида қарорлар қабул қилиш ҳамда истеъмол товарлари бозорларидаги динамик товар танлаш жараёнларини қамраб олиш механизми асосланган (University of California, АҚШ); маркетинг тадқиқотларида истеъмолчилар хоҳиш-истаги, ишчиларга бериладиган рағбатлантириш ва улар ўртасидаги муносабатлар ўрганилган (Berkeley University of Minnesota, Бразилия), маркетинг фаолияти ва стратегиясини фирма ички бозоридан хориж бозорларига татбиқ этишда стандартлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган (International Research Laboratory for Institutional Analysis of Economic Reforms, George Mason University, Virginia); эркин бозорга эга бозор тизимларининг янги синфига асосланган назарий ва эмпирик тадқиқотлар ўтказилган (University of New Mexico, АҚШ, ва University of Hong Kong, Хитой), истеъмол товарлари ўртасидаги алмашилишнинг доимий эластиклигига чекловларни олиб ташлашда монополистик рақобатбардош бозорларнинг янги имкониятларини ўрганиш ва бозор модели кенгайтирилишини таҳлил қилиш, унинг эндоген ривожланиши ҳамда ассортимент маҳсулотлар ишлаб чиқариш моделларига киритиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган (Josai University, Япония, Институт менеджмента и маркетинга РАНХ иГС, Россия).

Дунёдаги олий таълим муассасалари, илмий марказлари ва нуфузли халқаро молия-кредит ташкилотларида корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятида халқаро маркетингни фаоллаштиришнинг назарий-методологик, услубий ва иқтисодий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан: иқтисодиётдаги циклик тебранишлар даврида халқаро маркетингнинг корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятини барқарорлаштирувчи родини ошириш; халқаро маркетингдан корхоналар ташқи иқтисодий фаолияти самарадорлигини ошириш ва рақобатбардошликни таъминлаш омили сифатида фойдаланиш; корхоналар ташқи иқтисодий фаолияти мутахассисларининг халқаро маркетинг бўйича касбий тайёргарлигини ошириш; миллий корхоналарнинг халқаро даражадаги ҳамкорлар билан ишлаб чиқариш-технологик кооперациясини ривожлантириш механизмларини кучайтириш; корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятида халқаро маркетингни фаоллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ташқи иқтисодий алоқалар,

айниқса, миллий иқтисодиётнинг турли тармоқлари рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқ муаммолар А.Ваймерских, С.Джордж, Ф.Котлер, М.Портер, Р.Рассел, Б.Рендер, К.Хаксевер<sup>4</sup> сингари хорижий олимларнинг ишларида ёритилган. Улар томонидан корхоналарда маркетингни ташкил қилишнинг умумий масалалари билан бирга ташқи иқтисодий фаолиятда маркетинг билан боғлиқ турли йўналишлар ҳам ўрганилган.

Халқаро ва миллий маркетингдаги хусусий жиҳатларнинг назарий асослари, халқаро бозорда тадбиркорлик юритиш билан боғлиқ муаммолар И.Ансофф, И.С.Березин, Ф.Букерель, А.Дайан, А.Вайсман, Е.П.Голубков, Т.П.Данько, Диксон Р. Питер<sup>5</sup> томонидан ўрганилган.

Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш муаммолари, шу жумладан, унинг маркетинг ва инновацион фаолияти Ж.Ж.Жалолов, Д.М.Мухитдинов, М.Р.Болтабаев, Н.Х.Жумаев, А.Ш.Бекмуродов, Ё.Кариева, Т.Акрамов, Ш.Дж.Эргашходжаева, Б.Б.Беркинов, З.Дж.Адилова сингари олимлар томонидан тадқиқ этилган<sup>6</sup>.

Бу тадқиқотлар муҳим илмий-услубий манба бўлса-да, бугунги кунда республика корхоналарининг ташқи иқтисодий салоҳияти, ташқи бозорда экспорт фаолиятини ривожлантиришда халқаро маркетинг усуллари самарали жорий этиш бўйича илмий тадқиқотлар деярли амалга оширилмаган. Мавзу доирасида тадқиқотчи томонидан таклиф этилаётган миллий компанияларнинг ташқи бозорларга чиқиши ва экспорт салоҳиятини ошириш йўллари юзасидан амалий тавсиялар иқтисодиётнинг ҳозирги

---

<sup>4</sup>Джордж С., Ваймерских А. Всеобщее управление качеством: стратегии и технологии, применяемые сегодня в самых успешных компаниях. – СПб.: Виктория плюс, 2002; Котлер Ф. и др. Основы маркетинга. Пер. с англ. Издательский дом «Вильямс», 2009; Портер М. Конкурентная стратегия. Методика анализа отраслей конкурентов. Пер. с англ. - 2-е изд. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2006; Хаксевер К., Рендер Б., Рассел Р. Управление и организация в сфере услуг. Пер. с англ. – СПб.: Питер, 2002.

<sup>5</sup> Ансофф И. Стратегическое управление. – М.: Экономика, 1995., Березин И.С. Маркетинг и исследования рынков. – М.: Русская Деловая Литература, 1999., Букерель Ф. Изучение рынков // Академия рынка: маркетинг / Пер. с фр. А.Дайан, Ф. Букерель, Р.Ланкар и др. – М.: Экономика, 1993., Вайсман А. Стратегия маркетинга: 10 шагов к успеху. Стратегия менеджмента: 5 факторов успеха / Пер. с нем. – М.: ОА «Интерэксперт»; Экономика, 1995., Голубков Е.П. Маркетинговые исследования: теория, методология, практика. – М.: Издательство «Финпресс», 1998., Дайан А. Промышленный маркетинг // Академия рынка: маркетинг / Пер. с фр. – М.: Экономика, 1993. - С. 201-282., Данько Т.П. Управление маркетингом (методологический аспект). – М.: ИНФРА-М, 1997, Диксон Р. Питер. Управление маркетингом / Пер. с англ. – М.: ЗАО Издательство «БИНОМ», 1998.

<sup>6</sup> Жалолов Ж. Маркетинг. – Т., 1999. – 120 б.; Мухитдинов Д.М. и др. Маркетинг: рыночная концепция управления. – Т., 1997. 134 с.; Болтабаев М.Р. Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати экспорт имкониятларини ривожлантиришда маркетинг стратегияси: И.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент: ТДИУ, 2005.–35 б.; Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. Монография. – Т.: Fan va texnologiya, 2007.; Бекмуродов А.Ш. Эффективность маркетинга средств производства. Автореф. дис. докт. экон. – Т., 1993.; Кариева Я.К. Ўзбекистонни жаҳон бозорига чиқиш учун халқаро йўлақлардан самарали фойдаланишнинг логистик транспорт муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.-Т., 2004.-44 б.; Акрамов Т.А. Корхоналар инновацион маркетинг стратегиясининг концептуал асосларини такомиллаштириш. Монография. – Т.: Молия, 2017 й. 3-141 б.; Эргашходжаева Ш. Бозор рақобати шароитида қишлоқ жойларида кооперацияни ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси. Иқт.фан.док. дисс. автореф. –Тошкент: ТДИУ, 2007.; Беркинов Б.Б., Айнақулов М.А. Йирик корхоналарни кичик бизнес билан ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантириш. – Жиззах: ЖПИ, 2005. Адилова З.Дж. Халқаро бозорларга экспорт маҳсулотларини йўналтиришнинг маркетинг стратегияси. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. - Тошкент, 2008. – 358 б.



ҳолати ва истиқболдаги ривожланиш йўналишлари, корхоналарни модернизациялаш ва техник-технологик қайта жиҳозлаш шартларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши илмий-амалий қизиқиш уйғотади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФМ-1-сон “Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни прогностлашнинг илмий-методик асослари ва усулларини такомиллаштириш” мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятида халқаро маркетингни фаоллаштиришнинг методологик жиҳатларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

замонавий маркетинг ва мижозлар муносабатида ўзаро алоқаларни ташкил этишнинг назарий ва услубий асосларини тадқиқ қилиш;

халқаро маркетинг тамойиллари ва маркетинг тадқиқотини амалга оширишнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш;

Ўзбекистон Республикасида рақобатли афзалликлар асосида экспорт салоҳиятини ривожлантириш хусусиятларини изоҳлаб бериш;

ташқи бозорда рақобат муҳити кучайиши шароитида маркетинг дастаклари имкониятларини аниқлаш;

хорижий мамлакатларда рақобатли афзалликлардан фойдаланиш тажрибасини ўрганиш;

B2B бозорларида бизнес муҳитини таҳлил қилиш;

ташқи бозорда маркетинг тадқиқотлари асосида компания стратегиясини ишлаб чиқиш;

ташқи иқтисодий фаолият ва уни бошқаришда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг аҳамиятини тадқиқ қилиш;

ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва экспортбоп янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш масалаларига баҳо бериш;

корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятида халқаро маркетингни фаоллаштиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон саноат корхоналарининг ташқи иқтисодий фаолияти олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ташқи иқтисодий фаолиятда халқаро маркетингни фаоллаштиришнинг методологик жиҳатларини такомиллаштириш жараёнида юзага келувчи иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда қиёсий ва таркибий таҳлил, танлаб тадқиқ қилиш, илмий абстракция, кузатиш, умумлаштириш,

гурухлаш, қиёсий, иқтисодий-математик моделлаштириш ва прогнозлаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ташқи бозор тизимида халқаро маркетингни тадқиқ қилиш методологияси, ўзаро муносабатлар ҳамда тижорат ҳаракатларини интенсификация қилиш бўйича маркетинг концепциясини қўллаш, ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун корхоналарни диверсификациялаш моделининг амалиётда қўлланилиши асосланган;

халқаро маркетинг бўйича миллий иқтисодиёт тармоқларида компанияларнинг улуши, диверсификациялашуви ва ноанъанавий маркетинг тамойиллари ҳамда бренд, гудвилл, замонавий тармоқ технологиясидан фойдаланган ҳолда ташқи бозорни ўзлаштириш ва истеъмолчилар талаблари асосида саноат корхоналари экспорт салоҳиятини шакллантириш ва уни бошқаришнинг умумий механизми таклиф этилган;

замонавий маркетинг стратегиясини амалга ошириш модели ва миллий компаниялар фаолиятига ташқи иқтисодий муҳитнинг таъсири ҳамда ташқи бозорга мослашиш жараёнида корхонанинг экспорт салоҳияти истиқболини белгилаш ёрдамида қайта ишлаш корхоналари рақобатдошлигини ошириш унинг бозордаги рақобат муҳитидаги ўрни орқали баҳолаш механизми такомиллаштирилган;

компанияларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш ва экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришда маркетинг тадқиқотлари сифатини ошириш, халқаро бозорларда товарларга талабни баҳолаш аниқлигини ошириш ва экспорт қилинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг табақалаш даражасини оширишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

компаниялар экспорт салоҳиятидан фойдаланиш динамик ҳолатидаги тенденцияларнинг юзага келиш сабабларини аниқлаш ва экспортни инновациялар асосида ривожлантиришнинг халқаро маркетинг стратегиясини такомиллаштириш таклиф қилинган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

халқаро маркетинг бўйича миллий иқтисодиёт тармоқларидаги компанияларни миқдори, ҳажми, диверсификациялашуви ва байналмиллашув даражасида гурухлаш услуги таклиф этилган;

маркетинг концепциясини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш босқичлари асосланган;

қайта ишлаш корхоналарида халқаро маркетинг сиёсатини амалга оширишнинг кўп босқичли тартиби таклиф этилган;

миллий компанияларда ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун корхоналарни диверсификациялаш модели ишлаб чиқилган;

саноат корхоналари экспорт салоҳиятини шакллантириш ва уни бошқаришнинг умумий механизми таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, эконометрик ва математик усулларнинг асосланганлиги, статистик маълумотларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари ҳамда бошқа расман эълон қилинган амалий маълумотлар таҳлиliga асослангани ва тегишли хулоса, таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ташқи иқтисодий алоқаларда халқаро маркетингнинг зарурлиги, унинг таркиби, асосий функциялари ва вазифалари ҳамда иқтисодий ўсишга таъсири омилларини гуруҳлаш, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозордаги экспорт имкониятларини кенгайтиришда баҳо шаклланишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, миллий компаниялар фаолиятига ташқи иқтисодий муҳитнинг таъсири ва мавжуд муаммолар аниқланиб, ташқи бозорга мослашиш жараёнида халқаро маркетинг стратегиясини мувофиқлаштириш, ундан самарали фойдаланиш бўйича қарорлар қабул қилиш ва замонавий услубий ёндашувни қўллашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти сифатида миллий компаниялар ташқи бозордаги фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари белгилаб берилади, уларнинг халқаро маркетинг хусусиятларини тизимлаштирилган ҳолда баҳолашда, ташқи бозорга янги маҳсулотларни чиқариш ва халқаро маркетинг усулларини самарали жорий этишда тадбиркорлик тафаккурини шакллантириш йўллари ва улар асосида истиқболли дастурларни шакллантириш, шунингдек назарий ва статистик материаллардан олий таълим муассасаларида “Маркетинг тадқиқотлари”, “Халқаро маркетинг”, “Халқаро рақобат”, “Ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш” ва “Ташқи иқтисодий фаолият стратегияси” фанларини ўқитишда кенг фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Халқаро маркетинг ривожланишида миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини бошқаришни такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган амалий ва услубий таклифлар асосида:

ташқи бозор тизимига мўлжалланган халқаро маркетинг методологиясини ўзаро муносабатлар ва тижорат ҳаракатларини интенсивлаш асосида такомиллаштириш таклифи Навоий тоғ-кон металлургия комбинати ва “Навоийазот” ОАК фаолиятига жорий этилган (Навоий тоғ-кон металлургия комбинатининг 2020 йил 20 апрелдаги 12-06.01-05/82-сон ҳамда “Навоийазот” ОАКнинг 2020 йил 29 майдаги 4327-сон маълумотномалари). Бу таклиф натижасида Навоий тоғ-кон металлургия комбинатида қўшимча 12 нафар янги иш ўрни яратилган ва корхоналар маркетинг бўлимида қўлланган;

халқаро маркетинг бўйича миллий иқтисодиёт тармоқларида компанияларнинг улуши, диверсификациялашуви ва ноанъанавий маркетинг

тамойиллари ҳамда бренд, гудвилл, замонавий тармоқ технологиясидан фойдаланган ҳолда ташқи бозорни ўзлаштириш ва истеъмолчилар талабларини шакллантириш таклифи асосида саноат корхоналари экспорт салоҳиятини шакллантириш ва уни бошқаришнинг умумий механизми Навоий тоғ-металлургияси комбинати фаолиятига жорий этилди (Навоий тоғ-металлургияси комбинатининг 2020 йил 20 апрелдаги 12-06.01-05/82-сон маълумотномаси). Натижада корхона экспорт ҳажми 0,2 фоиз ва маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлиги 1,2 фоизга ошишига олиб келди;

муаллиф томонидан белгилаб берилган миллий компанияларнинг ташқи бозордаги фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг халқаро маркетинг хусусиятларини тизимлаштирилган ҳолда баҳолашга оид таклиф асосида ташқи бозорга янги маҳсулотни чиқариш ва халқаро маркетинг усулларини самарали жорий этишда тадбиркорлик тафаккурини шакллантириш йўллари корxonанинг истиқболли дастурларини шакллантиришда фойдаланилди (Навоий тоғ-металлургияси комбинатининг 2020 йил 20 апрелдаги 12-06.01-05/82-сон маълумотномаси).

замонавий маркетинг стратегиясини амалга ошириш модели ва миллий компаниялар фаолиятига ташқи иқтисодий муҳитнинг таъсири ҳамда ташқи бозорга мослашиш жараёнида корxonанинг экспорт салоҳияти истиқболлини белгилаш таклифи қўллашга қабул қилинган (“Навоийазот” акциядорлик жамиятининг 2020 йил 29 майдаги 4327-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши қайта ишлаш корхоналари рақобатдошлигини ошириш, унинг бозордаги рақобат муҳитидаги ўрни орқали баҳолаш механизmidан амалиётда фойдаланиш натижасида корхона экспорт салоҳиятини 0,3 фоизга ошириш таъминланди;

миллий компанияларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришда маркетинг тадқиқотлари сифатини ошириш, халқаро бозорларда товарларга талабни баҳолаш аниқлигини ошириш ва экспорт қилинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг диверсификация даражасини ошириш таклифи Навоий тоғ-кон металлургия комбинатининг маркетинг стратегиясида жорий этилган (Навоий тоғ-кон металлургия комбинатининг 2020 йил 20 апрелдаги 12.06.01-05/82-сон маълумотномаси). Миллий компанияларда ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун корxonаларни диверсификациялаш моделини амалиётга қўлланиши натижасида корxonада қўшимча 12 нафар янги иш ўрни яратилди;

компанияларнинг экспорт салоҳияtidан фойдаланишнинг динамик ҳолатидаги тенденцияларнинг юзага келиш сабабларини аниқлаш ва экспортни инновациялар асосида диверсификациялаш йўли билан халқаро маркетинг стратегиясини такомиллаштириш таклифи Навоий тоғ-кон металлургия комбинатининг маркетинг стратегиясида жорий этилган (Навоий тоғ-кон металлургия комбинатининг 2020 йил 20 апрелдаги 12.06.01-05/82-сон маълумотномаси).

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4та халқаро ва 4та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 32та илмий иш, жумладан, 1та монография, Ўзбекистон Республикаси олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этган илмий журналларда, жами 13та жумладан, 2та нуфузли хорижий журналда ва 11 та маҳаллий журналларда илмий мақолалар нашр этилган.

**Тадқиқотнинг тузилиши ва хажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 243 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ташқи бозор тизимида халқаро маркетингни тадқиқ қилишнинг ижтимоий-иқтисодий асослари”** деб номланган биринчи бобида замонавий маркетинг ва мижозлар муносабатида ўзаро алоқалар ўрнатишнинг назарий-услубий асослари, ташқи иқтисодий тизимда халқаро маркетингнинг тутган ўрни, халқаро маркетинг тамойиллари ва маркетинг тадқиқотини амалга оширишнинг ўзига хос жиҳатлари назарий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Халқаро маркетингда кўп қиррали, глобал миқёсда доимий ўсишда талабни қондиришга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, товарларни дунёнинг турли нуқталарига бир вақтда етказиб бериш муҳим ҳисобланади. Бундай ёндашув бозор қонуниятларини акс эттириб, мураккаб ва зиддиятларга эга бўлганли сабабли янгидан-янги муаммолар пайдо бўлишига замин яратади. Чунки ишлаб чиқарилаётган товарлар миқдори ва турлари кўпайиши ресурсларга эҳтиёжни ошириб юборади.

Ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро маркетинг сиёсатида ташқи бозорда рақобат кураши кескинлашиши, валюта курсларининг барқарор эмаслиги, самарали нарх сиёсатини аниқлашдаги қийинчиликлар, янги бозорлар учун ишлаб чиқарилувчи маҳсулотларни мослаштиришдаги муаммолар оптимал қарор қабул қилиш имконини бермайди.


Халқаро маркетингда замонавий технологиялар, айниқса ахборот коммуникациялари таъсир этувчи омиллар сирасига кириб бормоқда<sup>7</sup>. Ахборот коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши

<sup>7</sup>Neelemegham, R. and P.Chintagunta (1999) “A Bayesian Model to Forecast New Product Performance in Domestic and International Markets,” *Marketing Science*, 18, 115-136.

натижасида жаҳон иқтисодиёти янада глобаллашди. Компьютер технологиялари маркетинг соҳасида янги имкониятлар яратиб бермоқда. Янги имкониятлар туфайли корхоналар миқдорига унинг қайси ҳудудда яшашидан қатъий назар жаҳон бозорида маҳсулот етказиб бериши мумкин.

Жаҳон иқтисодиётида мамлакатларнинг ўрни йил сайин ўзгариб бориши халқаро маркетинг тизимларига ҳам таъсири кўрсатмоқда. Чунки жаҳон саноат ишлаб чиқаришида ривожланган мамлакатлар улуши ривожланаётган мамлакатларда ишлаб чиқариш кенгайтириши натижасида камайиб бормоқда. Жаҳон саноат ишлаб чиқаришида Корея Республикаси, Сингапур, Тайван, Бразилия, Малайзия, Индонезия сингари мамлакатларнинг ҳиссаси ошиб бормоқда. Саноат ишлаб чиқаришининг шиддат билан ривожланиши бу мамлакатларнинг меҳнат ресурслари малакаси кескин ошишига сабаб бўлди<sup>8</sup>.

Шундай қилиб, халқаро маркетинг миллий иқтисодиёт тармоқлари, компаниялар миқдори ва ҳажми, диверсификациялашуви ва байналмиллашув даражасини акс этириб, гуруҳларда ўз хусусиятларини намоён этади (1-расм).



**1-расм. Миллий иқтисодиётда фаолият юритувчи корхоналарнинг халқаро маркетинг жиҳатидан гуруҳланиши<sup>9</sup>**

Ҳозирги кунда ташқи иқтисодий фаолиятда компанияларнинг халқаро маркетинг концепцияси товар ва хизматларни жаҳон бозорида силжитиш билан тавсифланиб, компаниянинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштироки даражасига боғлиқ. Мамлакат ва компанияларнинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштироки қуйидагича бўлиши мумкин<sup>10</sup>:

<sup>8</sup> Дайан А. Промышленный маркетинг. // Академия рынка: маркетинг / Пер. с фр. – М.: Экономика, 1993. – С. 201-282.


<sup>9</sup> Муаллиф ишланмаси.

<sup>10</sup> Сейфуллаева М.Э. Концепция международного маркетинга. // Маркетинг в России и за рубежом, №1, 1998.

мамлакат ёки компания мунтазам товарларни экспорт қилмайди ва хориждан товар ва хизматларни импорт қилади;

мамлакат ёки компания халқаро меҳнат тақсимотида фаол иштироки натижасида хомашё ва замонавий технологиялар импорт ёки экспорт қилинади;

мамлакат ёки компания қўшма ишлаб чиқариш шаклида халқаро саноат ва илмий-техник ҳамкорлигида иштирок этади. Бу эса аввало, мамлакатлар ўртасида арзон ишчи кучига талабни ошириб, мамлакат ва компанияларнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги фаоллигига зарурат сифатида бир қатор сабаблар кўрсатилади (2-расм).



**2-расм. Халқаро меҳнат тақсимотидаги фаоллик зарурати<sup>11</sup>**

Айниқса, компаниялар учун ташқи бозорга чиқиш сабабларини аниқлаш тезкор равишда маркетинг ишларини бошлашга асос бўлади. Бунда компания учун ташқи бозорга чиқиш имкониятлари билан бирга маркетинг тадбирлари комплексини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро маркетингда ишлаб чиқариш концепциясининг муҳим жиҳати ташқи бозорда фаолият юритувчиларнинг ишлаб чиқариш тизими бўлиб, экспортчи компания ишлаб чиқариш тизимини бозор талабларига мослаштириш, товар (хизмат) кўрсаткичларини яхшилаш, транспорт логистикаси самарадорлигини таъминлаш орқали хорижга чиқиш имконига эга бўлади. Компания ташқи бозорга чиқиш натижасида ишлаб чиқариш ва иш ҳажмини бир неча баробар кўпайтириши, замонавий технологияларни жорий этиши лозим. Одатда мазкур концепция ташқи бозорда компания товарларига талабнинг кескин ошиши ёки таннархни пасайтириш эвазига даромад олишга эҳтиёж бўлганда қўлланилади.

Маълумки, бугунги кескин рақобат шароитида маркетингдаги асосий муаммолардан бири товарни сотиш билан боғлиқ муаммо ҳисобланади, шундан келиб чиққан ҳолда замонавий маркетинг концепциясида асосий урғу товарга, уни истеъмолчининг хоҳиш-истакларига мослаштиришга қаратилади. Тадқиқот давомида маркетингнинг замонавий концепциялари ва уларнинг хусусиятлари ўрганилди. Бугунги кунда ўзаро муносабатлар маркетинги концепцияси тобора кенг оммалашиб бормоқда. Шу боис,

<sup>11</sup> Муаллиф ишланмаси.

диссертациянинг асосий мақсади истеъмолчилар, сотувчилар ва воситачилар ўртасидаги муносабатларни манфаатли асосда мувофиқлаштиришдан иборат.

Товарни мукамаллаштириш концепцияси эса, сотувчилар томонидан қўлланилувчи асосий усуллардан бири ҳисобланади. Бу концепциянинг асосий ғояси: истеъмолчиларнинг сифати ва нафлилиги юқори, энг яхши фойдаланиш хусусиятига эга товарларни сотиб олиши бўйича хоҳишини эътиборга олсак, демак, корхонада доимо товарни мукамаллаштиришга эътибор қаратиш лозим.

Тижорат ҳаракатларини интенсификация қилиш концепциясини қуйидагича таърифлаш мумкин: агар корхона сотиш ва рағбатлантириш соҳасида яхши ҳаракат қилмаса, истеъмолчилар унинг товарларини етарли миқдорда сотиб олмайдилар. Бу концепция асосан паст талабга эга товарларга нисбатан қўлланилади. Харидор бундай товарларни сотиб олишни ўйламайди. Бу соҳаларда фаолият мукамалликка етказилган бўлиб, турли хил йўллар билан потенциал харидорларни топиш ва товарнинг «қатъий сотуви» амалга оширилади. Ташқи бозор учун бошқарув қарорларини қабул қилишда халқаро маркетинг концепциясини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш энг муҳим жараён бўлиб, у бир неча босқичдан иборат (3-расм).



**3-расм. Маркетинг концепциясини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш босқичлари<sup>12</sup>**

Диссертациянинг “Ўзбекистон Республикасида рақобатли афзалликлар асосида экспорт салоҳиятини ривожлантириш хусусиятлари” деб номланган иккинчи бобда ташқи бозорда рақобат кучайиши шароитида маркетинг ва миллий компанияларда рақобатбардошликни таъминлаш, унга таъсир этувчи омиллар ҳамда хорижий мамлакатларда рақобатли афзалликлардан фойдаланиш тажрибаси тадқиқ қилинган.

<sup>12</sup> Муллиф ишланмаси.



Республикамиз хўжалик юритувчи субъектлари учун ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш, шу асосда жаҳон хўжалик тизимига интеграцияни тобора чуқурлаштириш тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда тармоқлар ва ҳудудларни модернизация қилиш, уларнинг рақобатдошлик даражасини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлиши лозим”<sup>13</sup> деб таъкидлаши маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарига хорижий инвестор ва менежерларни кенг жалб этиш, корпоратив бошқарувда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, сифатли, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда уни ташқи бозорларга олиб чиқишда улар фаол иштирок этишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, акциядорлик жамиятларининг устав капиталида давлат активлари ва улушларини қисқартириш ҳисобидан иқтисодиётда давлатнинг иштирокини кескин камайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар самарасини ошириш зарурати давр талаби эканлигини кўрсатади.


Ривожланган хорижий мамлакатларда шаклланган экспорт сиёсати борасидаги тажрибаларини ўрганиш ва уларни таҳлил қилиш миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини оширишга доир илмий-амалий тавсияларга муҳим асос бўлади. Зеро, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини янада ошириш муҳим устувор йўналиш ҳисобланади.

Шунингдек, жаҳон хўжалиги тизимидаги кескин ўзгаришлар шароитида мамлакатимиздаги саноат ишлаб чиқаришида ички рақобатни кучайтириш, импорт ўрнини босиш сиёсати имкониятларидан самарали фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Импорт ўрнини босувчи саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг мақсади бозор талабини рақобатбардош сифатли маҳсулотлар билан қондириш асосида давлатнинг импортга боғлиқлигини камайтириш, импорт қилинувчи хомашёлар ва энергетик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

Импорт ўрнини босиш сиёсати давлат механизмида асосий урғу макроиқтисодий сиёсат, ижтимоий-иқтисодий салоҳиятни ошириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш, ички ва ташқи бозорда уларни ҳимоялашга берилган<sup>14</sup>. Бунинг учун эса қуйидаги экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича бир қатор тадбирларни амалга ошириш зарур (4-расм).

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2017 йил 16 январь сони.

<sup>14</sup> Бобожонов Б.Р., Мингишов Л.Ў. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишда импорт ўрнини босувчи рақобатбардош саноат маҳсулотларининг ўрни. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2014 йил 3 [www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)



#### **4-расм. Экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни кенгайтириш йўналишлари<sup>15</sup>**

Юқоридаги хулосаларга таянган ҳолда, импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш сиёсатини янада такомиллаштириш, экспорт салоҳиятини ошириш учун қуйидаги таклифларни тавсия этиш мумкин:

ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш ва экспортни диверсификация қилишни кучайтириш;

миллий экспортнинг асосий қисмини ташкил этувчи стратегик хомашё маҳсулотларини экспорт қилишдан уларни қайта ишлаган ҳолда тайёр маҳсулот сифатида экспорт қилиш;

хорижий валюта бозорини эркинлаштириш натижасида экспорт қилинадиган маҳсулот ва хизматлар доирасини кенгайтириш;

импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқарувчи корхоналар самарадорлигини оширишда истеъмолчилар ҳамда буюртмачиларнинг бутловчи буюмлар, материаллар ва тайёр маҳсулотларга эҳтиёжини ўрганиш;

инфратузилма соҳаларига инвестицион ресурсларни йўналтириш, юқори технологияли, стратегик аҳамиятга эга ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш;


қўшимча қийматга эга тайёр саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш ва сифат мезонларига эътиборни кучайтириш;

<sup>15</sup> Муаллиф ишланмаси.

ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат унумдорлигини ошириш ва хорижий менежерларни жалб этиш ва маҳаллий кадрлар малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратиш.

Миллий ишлаб чиқариш даражаси юқори бўлиши мамлакатимиз иқтисодиётида саноат ва бошқа соҳаларнинг ривожланиши, республикамиз саноат салоҳияти кучайиши ҳамда аҳолининг турмуш шароити яхшиланишига олиб келади.

Шу жиҳатдан республикамиз корхоналари учун бугунги кунда талабни истеъмолчилар эҳтиёжлари мунтазам тадқиқ қилиш орқали маҳсулот ва хизматларни яратиш, такомиллаштириш ҳамда тақдим этиш, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда эса янада кўпроқ «янги иқтисодиёт» (брендлар, гудвилл, тармоқ технологияси, ноанъанавий маркетинг) омилидан юқори самарали фойдаланиш орқали ташқи бозорни ўзлаштиришда замонавий ёндашувларни ҳисобга олиш керак. Корхоналар ташқи иқтисодиёт омилларининг иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнларига таъсирини қуйидаги тенденцияларда фарқлаш мумкин (5-расм).



### **5-расм. Корхоналарнинг ташқи иқтисодиёт омилларининг иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнларига таъсири<sup>16</sup>**

Компанияларда маркетинг стратегиясини шакллантириш доирасида бозорни сегментларга ажратиш ва мақсадли гуруҳларни аниқлаш, бозордаги ўрнини белгилаш сингари муаммоларни ҳал этиш муҳим. Бундай муаммоларнинг ечими маҳсулотнинг хусусияти, қиймати, сотув каналлари, бозорда товарга оид тарғиботни (рекламани) олиб бориш тадбирларига асосланади. Маҳсулотнинг мақсадли гуруҳлари бўйича қабул қилинган

<sup>16</sup> Муаллиф ишланмаси.

қарорлар асосида чуқур маркетинг тадқиқотлари ўтказилиб, сўнг бозорни сегментлаш жараёни амалга оширилади.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, муаллифнинг фикрича, ташқи иқтисодий фаолиятда халқаро маркетингни ривожлантиришнинг қайта ишлаш корхоналари рақобатдошлигини унинг бозордаги рақобат муҳитидаги ўрни орқали баҳолаш мақсадга мувофиқ (6-расм).



**6-расм. Қайта ишлаш корхоналари рақобатдошлигини унинг бозордаги рақобат муҳитидаги ўрни орқали баҳолаш<sup>17</sup>**

Бозордаги рақобат муҳити бозор улуши динамикаси ва ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ҳосил қилинади. Бу корхоналарнинг мавқеи ва рақобатдошлик имкониятидан фойдаланиш даражаси ҳамда рақобат босимига чидамлик салоҳияти билан ўзаро фарқланувчи турларга ажратиш билан баҳолаш лозим. Бунда бозордаги улушнинг динамик кўрсаткичларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқотлар яна шуни кўрсатадики, бозорнинг ўсиш даражаси 10 %дан юқори бўлса кучли, агар ўсиш суръати 5 %дан кам бўлса, кучсиз ҳисобланади. Демак, рақобатдошлик позицияси катта корхоналар учун бозор улушининг ошиш суръати 10 %дан юқори бўлади, ўз позициясини яхшилаётганлар учун 6-10 %, ўз рақобатдошлик ҳолатини йўқотаётган

<sup>17</sup> Муаллиф ишланмаси.

корхоналар 5-6 % ўсиш суръатига, ўз позициясини тез суръатда йўқотаётган корхоналарда эса ўсиш 5 %дан паст бўлади.

Бу усул корхона рақобатдошлигини бир пайтнинг ўзида 2 кўрсаткич орқали баҳолаш имконини беради. Рақобатдошлик кўрсаткичларининг максимал қиймати эталон кўрсаткичлар вазифасини бажаради. Рақобатдошликнинг жамланма кўрсаткичини аниқлаш услуги самарали услуб ҳисобланади. Уни аниқлашда индексли усулдан фойдаланиш таклиф қилинади:

$$K = \frac{\sum_{i=1}^n C_i * K_i}{\sum_{i=1}^n C_i}, \quad (1)$$

бу ерда:  $K_i$  – корхона  $i$ -чи маҳсулотининг рақобатдошлик кўрсаткичи;

$N$  – корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг умумий сони;

$C_i$  – ишлаб чиқарилган  $i$ -тур маҳсулот ҳажми;

Шундай қилиб, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва экспорт салоҳиятини янада кўтариш борасида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

миллий ишлаб чиқарувчилар учун ички рақобат муҳитини кучайтириш, илғор фан ва технологиялар ютуқларини кенг жорий этиш эвазига товар ва хизматлар харажатларини камайтириш;

мамлакат доирасида ҳудудий ихтисослашув жараёнини ҳудудий рақобат афзалликлари ҳамда жаҳон бозори конъюнктураси талабларидан келиб чиққан ҳолда оптималлаштириш;


миллий брендларни халқаро доирага чиқариш дастурларини яратиш ва мамлакат товар ва хизматларининг ижобий имижини шакллантиришга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Диссертациянинг **“Ташқи бозорда маркетинг тадқиқотлари асосида компанияда модернизация ва диверсификация стратегиясини ишлаб чиқиш”** деб номланган учинчи бобида миллий компанияларда модернизация ва диверсификация жараёнларини амалга ошириш, ташқи иқтисодий фаолият ва уни бошқаришда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг аҳамияти, миллий компанияларда ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни бошқаришга таъсир қилувчи омиллар таҳлилига оид масалалар ўрганилган.

Тадқиқотларга кўра, замонавий диверсификация сиёсати янги маҳсулотлар, ускуналар, хизматлар ва янги технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни бозорда сотиш учун янги маркетинг усулларида фойдаланиш билан боғлиқ бўлиб, истеъмолчилар талабини тўлиқ қондириш ҳамда янги бозорларни эгаллаш имконини беради.

Илмий изланишлар кўрсатадики, диверсификация сиёсати маркетинг сиёсати концепцияси асосида корхонанинг рақобатдошлик стратегиясини излаш ҳисобланади. Демак, тармоқ корхоналари диверсификация сиёсатини бошқаришга маркетинг орқали ёндашилиб, у асосан, ишлаб чиқарувчи ҳамда

истеъмолчи нуктаи назаридан ўрганилади<sup>18</sup>. Диверсификация сиёсати, ўз навбатида, стратегия ишлаб чиқиш, бозорни таҳлил қилиш ва маркетингни ўз ичига олувчи бир неча босқичлардан иборат (7-расм).



**7-расм. Қайта ишлаш корхоналарида диверсификация сиёсатини амалга ошириш тартиби<sup>19</sup>**


Бозор муҳитида фаолият юритаётган корхоналарнинг диверсификация фаолияти назарий асосларини тадқиқ этишга бағишланган илмий адабиётларни ўрганиш жараёнида нефтни қайта ишлаш соҳасида фаолият юритувчи хўжалик субъектларининг рақобат устунликларига таъсир этувчи омилларни ўзаро қарама-қарши икки йўналиш бўйича таснифлаш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳеч бир корхона ишлаб чиқариш фаолиятини диверсификациялашсиз барқарор ўсиш суръатларига эга бўла олмайди. Шунинг ҳам эътиборга олиш лозимки, диверсификация стратегияси доимий равишда ўзгартиб, такомиллаштириб борилиши зарур. Янги вазиятга мослаштириш ишлари умумий ҳолда маҳсулотни табақалаштириш, технология ва маҳсулотни такомиллаштириш, янги сотиш тизими ва каналларини яратиш, янги истеъмолчилар сегментларини топиш, фаолият географиясини кенгайтириш ҳамда баҳо пасайишига сезгир харидорларни ўзига жалб этиш учун чегирмалар жорий этиш тадбирларини ўз ичига олиши мумкин.

<sup>18</sup> Демченко А. Маркетинговые инновации в условиях кризиса. / А. Демченко // Маркетинг. - 2009. - №1 – С. 44 - 50.

<sup>19</sup> Муаллиф ишланмаси.

Самарали диверсификация сиёсатини юритиш, омилларнинг корхона амалий фаолиятида қанчалик самарали қўлланилишига боғлиқ. Бирок, бундай омилларнинг ҳаммасини ҳам миқдоран баҳолаб бўлмайди, бу эса уларнинг жамланма баҳосини ҳисоблашни мураккаблаштиради. Мавжуд шароитларга мос кўрсаткичларни ишлаб чиқишнинг замонавий услубларини қўллаш заруратини келтириб чиқаради. Диверсификацияни амалга ошириш сабаблари турли хил бўлишига қарамай, унинг пировард мақсади бу корхона самарадорлигини нафақат ҳозир ёки яқин келажақда, балки узок муддатда оширишни таъминлашдир. Тадқиқот жараёнида миллий компанияларда ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга йўналтирилган диверсификациялаш маркетинг модели ишлаб чиқилган (8-расм).




8-расм. Корхоналарни диверсификациялаш модели<sup>20</sup>

<sup>20</sup> Муаллиф ишланмаси.



Ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш умумий ва универсал тушунча бўлиб, субъектларга ва шу субъектлар орқали уларнинг фаолиятига таъсир этишни англатади. Бошқарувнинг мазмуни унинг соҳаси (ТИФ, саноат, транспорт ва бошқалар) ҳамда даражаси (давлат, минтақа, соҳалар, корхона ва бошқалар) билан белгиланади. Ҳар бир соҳа ва ҳар бир даражадаги бошқарув муносабатларнинг ҳар хиллигини қамраб олади ва объектив ва субъектив омиллар йиғиндиси таъсири остида бўлади. Бошқарувнинг ҳаракати ва унинг услублари, тамойиллари, ривожланиши аниқ иқтисодий, сиёсий, ижтимоий шароитлар билан белгиланади.

Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчи-корхоналар мамлакатдаги мавжуд ички устунликлардан ажралиб турувчи рақобат устунликларига эга бўлиб, улар пировард натижада корхоналарнинг жаҳон хўжалик алоқаларидаги иштироки салоҳиятини тавсифлайди. Демак, микродаражада ташқи иқтисодий фаолиятнинг муҳим функцияси корхонанинг рақобат устунликларини халқаро даражада амалга ошириш ва унинг жаҳон хўжалик алоқалари тизимида иштирок этишини таъминлашдан иборат. Мамлакатимиз жаҳон майдонида ўз ўрнини топиши ва экспорт салоҳиятини янада ривожлантириши учун бир қатор вазифаларни амалга ошириш лозим (9-расм).



**9-расм. Ўзбекистон Республикасининг жаҳон майдонида ўз ўрнини топиши ва экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш<sup>21</sup>**

<sup>21</sup> Муаллиф ишланмаси.



Республика экспорт салоҳиятини оширишнинг яна бир воситаси сифатида товарлар импортини тартибга солиш, импортни оптималлаштириш, ташқи савдо айланувида экспорт-импорт мутаносиблигини таъминлаш муҳимдир.

Диссертациянинг **“Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва экспортбоп янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш масалалари”** деб номланган тўртинчи бобида миллий компанияларда маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш механизми масалалари ўрганилган.

Маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишда корпоратив бошқарувнинг бошқа буғинлари унга мувофиқ равишда энг самарали ишлаб чиқариш режаларини шакллантиради ва амалга оширади. Бунга қуйидаги икки йўл билан эришиш мумкин:

маркетинг стратегиясининг мазмуни компаниянинг асосий ривожланиш стратегияси билан ўзаро мос тушиши лозим;

ташкилий жиҳатдан юксак даражада ташкил этилган корпоратив бошқарувда маркетинг ўзига хос ташкилий тузилмага, ўзига хос меъёр ва кадриятлар тизимига эга бўлади.


Миллий компанияларда товар ва хизматлар бозорини тизимли тадқиқ этиш, аввало, турли тармоқларда хўжалик юритувчи субъектларининг бозор имкониятларини асослаб бериш ва шу асосда тегишли товар ва хизматлар кўрсатиш бозорини эгаллаш бўйича маркетинг тадбирларини амалга ошириш ҳамда бозорда самарали фаолият юритиш стратегиясини ишлаб чиқишни назарда тутиши лозим.

